

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
АРХЕОЛОГИЯ ВА БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

**БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ**  
(Энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

*мавзусида Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция*

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**2024 йил 10 май**

**Бухоро – 2024**

Илмий-амалий анжуман Бухоро тарихи, манбашунослиги, тарихшунослиги, археологияси, этнографияси, нумизматикаси, шаҳарсозлиги, маданият ва санъати соҳаларида амалга оширилётган энг янги илмий натижаларни илмий жамоатчиликка етказиш, фан ва таълимнинг узвий боғлиқлигини кучайтириш мақсадида Бухоро давлат университетида **2024 йил 10 май** куни **“БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ”** (ЭНГ ҚАДИМГИ ЗАМОНЛАРДАН ҲОЗИРГАЧА) мавзусидаги Республикао миқёсида илмий-амалий конференция белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

Ушбу илмий тўплам кенг илмий жамоатчилик, Бухоро тарихи билан қизиқувчилар, тарихчилар, магистрантлар ва талаба ёшларга мўлжалланган

**Масъул муҳаррир:**

**БухДУ профессори, тарих фанлари доктори**

**Ҳ.Ҳ.Тўраев**

**Таҳрир хайъати ва аъзолари:**

О.Х.Хамидов - Бухоро давлат университети ректори, и.ф.д., профессор

Т.Х.Расулов - илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, ф.ф.д., профессор

А.А.Болтаев - Тарих в юридик факультети декани, ф.ф.д., доцент

Ф.У.Темиров - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири, т.ф.ф.д (PhD) доцент

С.И.Иноятов – Бухоро давлат университети профессори, т.ф.д.

М.И.Ниязова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н

М.Б.Қурбонова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н

Ф.Ҳ.Бобоҷонова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н

А.Ҳ.Болтаев - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.ф.д (PhD)

Б.Б.Болтаев - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.ф.д (PhD)

О.И.Ражабов - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси,

Ш.Ў.Носиров – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси,

**Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:**

**Темиров Ф.У. –** Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири

**Умаров Б.Б. –** Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

**Носиров Ш.Ў –** Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Мазкур тўплам Бухоро давлат университети Илмий Кенгашининг 2024 йил 4 майдаги  
9 – сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

*Илмий-амалий анжуман материалларида ёритилган тарихий жараёнлар,  
маълумотлар, чиқарилган хуносалар, манба ва адабиётлар учун муаллифларнинг  
ўзлари масъул ва жавобгардир*

## **Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)**

Мазкур асар барча Бухоро амирлигига оид илмий изланишлар олиб борувчи тарихшунослар, шарқшунослар, матншунослар учун мұлжалланиб, тожик тарихшунослик илмининг улкан ютуқларидан бири ҳисобланади.

### **Адабиётлар:**

1. Абдулзода Зиёдулло Назар. “Тұхфаи шохай”-и Абдуазими Сомй ҳамчун сарчашмаи таърихай// Диссертация барои дарёфти дараҷаи номзади илмҳои таърих.-Душанбе, 2023.- 168 с.
2. Ахмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари (Қадимги замон ва ўрта асрлар).- Тошкент: Ўқитувчи, 2001.- 352 с.
3. Джурбаев Дж.Х. Политическая история Бухарский эмират во второй половины XVIII - первой половины XIX вв.- Худжанд: Ношир, 2013.- 318 с.
4. Джурбаев Дж.Х. Бухарский эмират во второй половины XVIII - первой половины XIX вв. (В письменных источниках)// Диссертация на соискание ученой степени доктора исторических наук.- Душанбе, 2014.- 426 с.
5. Замонов А. Бухоро манғит амирлари тарихи.- Тошкент, 2023.-176 с.
6. Замонов А., Эгамбердиев А. Бухоро амирлиги тарихи.-Тошкент: Тамаддун, 2022.- 184 с.
7. Замонов А., Эгамбердиев А. Ўзбекистон тарихи. 4-чи қисм.-Тошкент: Баёз, 2022.- 560 с.
8. Мирзо Абдулазими Сомии Бўстонӣ. Туҳфаи шоҳӣ. Таҳиягари матн, муаллифи муқаддима, ҳавоиши Абдулов Зиёдулло Назаровиҷ.-Душанбе, 2023.- 336 с.
9. Семенов А.А. Избранные сочинения.- Душанбе, 2013.- 408 с.
10. Тошова Ш. Мирзо Абдулазим Сомийнинг ҳаёти ва илмий меросига доир янги маълумотлар. bukhari.uz.
11. Тўраев Ҳ. Бухоро тарихи ёзма манбалари ( Дарслик).- Бухоро: “Дурдона”, 2023.- 204 с.
12. Ҳайдаршо Пирумшоев. Кашшофи нақди таърих.-Душанбе: Деваштич, 2004.-162 с.
13. Ўзбекистон тарихига оид манба ва тадқиқотлар (XIX- XIX аср бошлари).-Тошкент, 2022.-456 с.

## **“ТАЪРУФИ МУСЛИМИН” ЖУРНАЛИ: БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ҲАҚИДА**

**Дилноза Жамолова**

**Ўзбекистон ФА Тарих институти директориўринбосари, тарих фанлари доктори  
Шаропов Дишиод Равшан ўғли БухДУ, Археология ва Бухоро тарихи  
кафедраси ўқитувчиси**

Бухоро ва Усмонли турк султонлиги тараққийпарварларининг ўзаро алоқаларидағи мұхим воситалардан бири матбуот соҳасидаги ҳамкорлик бўлиб, газета ва журналлар мухаррирлари хамда журналистлари ўзаро маълумот алмашганлар, ҳар икки мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, янги усул мактаблари ва бошқалар ҳақида мақолалар бериб борилган. Истанбулда нашр этилган Абдурашид Иброҳим мухаррирларидаги “Таъруфи муслимин” (“Мусулмонлар таърифлари”) журналида Бухоро амирлигидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар кенг ёритиб борилган.

“Таъруфи муслимин” журналининг мухаррири Абдурашид Иброҳим (1857–1944) бўлиб, туркий халқларни диний бирликка чорлаган тараққийпарварлардан эди. 1907 йилнинг охирида Россияни тарқ этган Абдурашид Иброҳим Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Еттисувга саёҳат қилган. 1907 йил охири – 1908 йил бошларида Туркистанда бўлган Абдурашид Иброҳим, бу ерда мустамлакачиликнинг аччиқ асоратларини, шунингдек, Россия хукумати қўли остидаги мусулмонларнинг оғир аҳволини кўрган. Абдурашид Иброҳим Бухорода ёшлар билан учрашганда, уларнинг замонавийликка бўлган

## **Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция**

интилишларидан мамнун бўлган ва: “Толиби илмлар билан жуда кўп марта гаплашдим, уларнинг истеъдодий фитратини синаб кўрдим. Қисман Бухоро талабалари замон талабларига жавоб беради. Мен Бухорода эканман, Русиянинг Қозондан келган маъмури Бухоро мадрасаларини тафтиши қила бошлади. Бу кун талабалари орасида “зарарли” нашрлар тарқалган ва баъзи мажсаллаларда ҳаяжонлантиарли мақолалар ҳам ёзилган экан”<sup>1</sup>, деб маълумот берган. Абдурашид Иброҳимнинг Муҳаммад Икром ибн Абдусалом (Икромча домла) ва Бухоро жадидлари билан учрашуви рус маъмурларининг диққат марказида ҳамда назоратида бўлган<sup>2</sup>.

Абдурашид Иброҳим Бухородаги сафарини якунлаб, Самарқандга борган ҳамда Туркистон жадидларининг ёрқин намояндалари Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Абдулқодир Шакурий билан учрашган. Уларнинг маориф соҳасидаги хизматларини эътироф этиб, туркий миллат қаҳрамонлари деб таърифлаган<sup>3</sup>.

Абдурашид Иброҳим 1910 йилнинг марта Истанбул келиб, ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини бошлаган ва “Таъруфи муслимин” журналига асос солган<sup>4</sup>. Ушбу журнал саҳифаларида Туркистондаги сиёсий жараёнлар, айниқса, Бухорода 1909 йил сентябр ойида очиқ имтиҳондан сўнг ёпиб қўйилган янги усул мактаби, 1910 йил январ ойида содир бўлган сунний ва шиа ўртасидаги низолар тафсилотлари ўрин олган. Бухородаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақида, асосан, журнал мухбир-журналистлари Нурализода Ҳусний ҳамда Аҳмад Тожиддинлар маълумот бериб борганлар. Бундан ташқари, Бухоро, Самарқанддан келган мактублар ҳам журнал саҳифаларида эълон қилинган. Нурализода Ҳусний Бухоро шаҳрида содир бўлган сунний-шиа низоси ҳақида “Таъруфи муслимин” журналида батафсил маълумот беришга ҳаракат қилган.

Нурализода Ҳуснийнинг ёзишича, 1910 йил бошидаги воқеалар Бухоро ҳукуматидаги муҳим давлат идораларини эгаллаб турган шиаларнинг айби билан содир бўлган<sup>5</sup>. Муаллиф руслар Бухорони ўзларига бўйсундиргандан кейин шиаларга катта ишонч билдирганлари ва ўзларнинг Бухородаги айрим ишларини улар билан мувофиқликда олиб борганларини таъкидлайди. Руслар шиаларнинг ёрдами билан “уларнинг ҳаётини ҳавф остига қўйиб бўлса-да, Бухоро шаҳрига ҳатто кичик рутбали бўлсин рус зобитини киритмай барча ҳодисалар” бостирилганлиги тўғрисида ҳисобот берган<sup>6</sup>. Аммо муаллифнинг бу маълумоти хато бўлиб, Бухородаги шиа-сунний низосига тўхтатиш учун Самарқанддан генерал Лелинтал бошчилигига 2000 кишилик қўшин Бухоро шаҳрига етиб келган эди<sup>7</sup>.

Нурализода Ҳуснийнинг ёзишича, диний низолар тўхтатилгач, Россиядан Бухорога К.Пален бошчилигидаги тафтиш комиссияси келган. К.Паленни амирликдаги диний қарорлар (фатво) ва шариатнинг замонавий оқимларга муносабати қизиқтирган. Насрулло Кўшбеги орқали К.Пален муфти Икромни учрашувга таклиф қилган, аммо рад жавобини олган. Шундан кейин К.Пален муфти Икром хонадонига ташриф буюрган ва ўзини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олган<sup>8</sup>.

Ушбу журналда Аҳмад Тожиддиннинг Туркистоннинг ярим мустакил ҳукмдорлари ва уламосига нисбатан танқидий муносабат билдирилган мақолалари ҳам нашр қилинган.

<sup>1</sup> Abdürreşid İbrahim. Alem-i İslam ve Japonya'da İslamiyetin Yayılması. İstanbul: İşaret Yayıncılık. 2012. S. 52.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий архиви, И-461-фонд, 1-рўйхат, 948-иш, 11-варақ ва унинг орқа томони.

<sup>3</sup> Abdürreşid İbrahim. Alem-i İslam ve Japonya'da İslamiyetin Yayılması. S. 57.

<sup>4</sup> Таъруфи муслимин” журналининг 1-сони 1910 йил 16 апрелда нашр қилинган.

<sup>5</sup> Bu haqda qarang: Abdurashidov Z. “Shimol shamoli” yoki Buxoroning uyg'onishi: Istanbuldan nazar // “O'zbekiston: til va madaniyat” jurnali. 2022. №3. 92-bet; Нурализода Ҳусний. Бухоро мухбирларимиздан. Бухоро ҳоли таҳлика // “Таъруфи муслимин” журнали. 1910. №2. 29-bet.

<sup>6</sup> Нурализода Ҳусний. Бухоро мухбирларимиздан. Бухоро ҳоли таҳлика // “Таъруфи муслимин” журнали. 1910. №2. 30-bet.

<sup>7</sup> Бухорой Шарифда пайдо бўлган бетартибликлар хусусида // “Туркистон вилоятининг газети”. 1910 йил 21 январ.

<sup>8</sup> Нурализода Ҳусний. Бухоро мухбирларимиздан. Бухоро ҳоли таҳлика // “Таъруфи муслимин” журнали. 1910. №2. 29-bet.

## **Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)**

У Бухоро амири Сайид Абдулаҳадхонни<sup>1</sup> буюк Темурнинг “адолат тахти”ни бутунлай вайрон қилган дунёдаги энг баҳтсиз ҳукмдор деб атайди<sup>2</sup> ва “мамлакатни шундай аҳволга олиб келган Абдулаҳаддир ва Бухоро ўзининг сўнгги кунларини яшамоқда” деб ёзади. Аҳмад Тожиддин бу муваффақиятсиз сиёсатнинг асосий сабабини “амирнинг мамлакатни бошқаршига қодир эмаслиги ва ҳокимиятнинг сиёсий ишлардан заррача ҳам хабари бўлмаган бир гуруҳ жоҳиyllар қўлига тўлиқ ўтганлигига”<sup>3</sup>, деб ҳисоблайди. Аҳмад Тожиддин 25 йил Бухоро амирлигини бошқарган амир Сайид Абдулаҳадхон ҳақида танқидий фикр билдиришда ҳукмронлигининг сўнгги йилларини асос қилиб олган бўлиб, аслида амир Сайид Абдулаҳадхон даврида Бухоро амирлигига иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маориф соҳаларида қатор ислоҳотлар амалга оширилган эди<sup>4</sup>.

Журналга Бухородан келган яна бир бошқа хабардан маълум бўлишича, маҳаллий аҳоли таркибидан бўлган маҳфий жосуслар тараққийпарварлар ҳақида маълумот тўплаб, уларни амир идорасига ва Когон (Янги Бухоро)даги Россия империясининг сиёсий агентига топширган. Жосуслар тараққийпарварларнинг Усмонли турк султонлиги билан алоқалари, шунингдек, у ердан олинган турли китоблар, газета ва журналлар ҳақида етарлича маълумот тақдим қилган<sup>5</sup>. Бундан ташқари, “Таъруфи муслимин” журнали ўз ўқувчиларига Туркистоннинг умумий ижтимоий-сиёсий манзарасини кўрсатишга ҳам ҳаракат қиласди.

Россия империяси маъмурияти шиа-сунний тартибсизликлари ортидан хорижий адабиёт ва даврий нашрларни олиб келиниши ва тарқатилиши устидан назоратни кучайтирган. Аммо журналнинг Бухородаги мухбирлари “Таъруфи муслимин” газетасига хабарлар ҳамда мақолаларнинг мунтазам етиб боришини таъминлаб турган. Бухородан юборилган бир хабарда ёзилишича, сиёсий агент Когондаги маҳаллий матолар билан савдо қилувчи дўкондорнинг олдига келиб, дўкондорнинг Истанбулдан хат ҳамда турли газеталар олгани ҳақида маълумотга эга эканлигини, уларни топшириши кераклигини айтиб унга таҳдид қилган. Қилинган дўқ-пўписаларга қарши бу савдогар бирор бир жўяли жавоб бера олмай, ҳеч қандай хат олмагани, обуна бўлган журналларни ўзи ўқимай, бошқаларга беришини айтган. Сиёсий агент дўкондорни ҳақорат қилиб, бу ишни охирига етказаман, деб таҳдид қилган. Журнал таҳририяти ушбу хабарга ёзган изоҳида: “Бухоро ҳукмдори ва бухороликлар Россия империясининг мамлакат ичидаги бундай сиёсат юритшишига қарши туришлари ва ўйл қўймасликлари керак. Ҳар бир бухоролик ўз уйи остонасидан исталган рус амалдорини киритмаслик учун жсуръатли бўлиши лозим. Акс ҳолда, вазият бутунлай уларнинг қўлига ўтади”, деб уқтирган.

“Таъруфи муслимин” журнали Россия империясининг Бухоронинг ички ишларига аралашувига ўз муносабатини билдириб, амирликни ташқи сиёсий мустақиллигини кўлдан бой берган бўлса-да, алоҳида давлат сифатида таърифлайди<sup>7</sup>. Унинг фикрича, бугун таҳсил олаётган талабалар нафақат Бухоронинг, балки бутун дунё мусулмонлари нажот топишига умид берувчи ягона омилдир. У бухоролик талабалар ҳақида сўз юритар экан, агар улар Бухоро ва бошқа мамлакатлар ўртасидаги тараққиёт фарқини, ўз ватанлари ўлим ёқасида эканини англаб олсалар, тез орада “уламо” номини олган жоҳиyllар гуруҳининг бирор бир маъноси қолмайди, биз учун ўз аҳамиятини йўқотади, деб ҳисоблайди. У Волгабўйи ва бухоролик мусулмонларни қиёслайди, улар орасидаги

<sup>1</sup> Саид Абдулаҳадхон (1857 – 1910) — Бухоро амирлиги доирасида ўзбек давлатини бошқарган манғитлар суполасининг 1885 – 1910 йиллардаги етакчиси.

<sup>2</sup> *Bu haqda qarang: Abdurashidov Z. “Shimol shamoli” yoki Buxoroning uyg'onishi: Istanbuldan nazar. 100-bet; Аҳмад Тожиддин. Афғонистон – Бухоро // “Таъруфи муслимин” журнали. 1910. №8. 128-бет.*

<sup>3</sup> Аҳмад Тожиддин. Афғонистон – Бухоро. 128-бет.

<sup>4</sup> *Бу ҳақда қаранг: Жамолова Д. Бухоро амири Абдулаҳадхон ва унинг сиёсий фаолияти // “Ўзбекистон тарихи” журнали. 2018. №1. 32 – 47-бетлар.*

<sup>5</sup> Бухорода ҳуфия усули // “Таъруфи муслимин” журнали. 1910. №5. 69 – 70-бетлар; Ўзбекистон Миллий архиви, И-461-фонд, 1-рўйхат, 1919-иш, 12 – 20-вараклар.

<sup>6</sup> Бухородан олдигимиз бир варака // “Таъруфи муслимин” журнали. 1910. №9. 151 – 154-бетлар.

<sup>7</sup> Аҳмад Тожиддин. Бухоро талабаларила ҳасби ҳол // “Таъруфи муслимин” журнали. 1910. №15. 241-бет.

## **Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция**

ижтимоий-сиёсий йўналишдаги фарқларни очикроқ кўрсатишга ҳаракат қиласи. Россия мусулмонлари расмий ҳокимиётнинг ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатига норозилик билдираётган вақтда, давлат сифатида ички сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эга бўлган бухоролик мусулмонлар империя амалдорининг бир сўзига ҳам муносаб жавоб берадиган олмаслигига ачинади. Когон (Янги Бухоро)даги Россия империясининг сиёсий агенти Бухорага келиб, истаган ишни қилишига бухороликларнинг оғиз очганча қараб туришини қоралайди. Муаллиф бу қадар ожизлик, бу қадар жаҳолатни ҳатто мустақиллик туйғусини озроқ бўлса ҳам сингдиришга қодир бўлмаган қолоқ таълимда, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, мадрасанинг 20 йиллик дастурини тамомлаган кейин ҳам оддий трамвай чиптачисининг ҳақоратли ҳаракатларига жавоб берадиган инсон ўз Ватанини, динини, эътиқодини Россия империяси тажовузидан ҳимоя қила олмайди. Аҳмад Тожиддин давлатчиликни ҳаракатлантирувчи ва асосини ташкил этувчи барча кучлар яроқсиз ҳолга келиб қолган тақдирда ҳам миллатнинг умиди бўлган талаба келажакдаги ўзининг йўналишини аниқ билиши ва бўлаётган жараёнларга сергак боқиши керак, дейди. Ҳақиқий илм эгаси, ҳеч нарсага қарамай, доимо эътиқоди ва ватанини ҳимоя қила олишга қодир бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Илм ўрнига жаҳолат ва ожизликни тарқатадиган Бухоро мадрасаларининг бугунги аҳволи билан бундай мақсадларга эришиб бўлмаслигини уқтириб, бухоролик ёшларни зудлик билан мусулмон дунёси маркази бўлган Истанбулга ўқишига юборишиларини тавсия қиласи. Муаллиф Бухородан ҳар йили 20-25 нафар талаба Истанбулда таҳсил олса, ўн йилдан сўнг ҳақиқий ватанпарварлар, Темурнинг ҳақиқий авлодлари етишиб чиқади, деб ўйлади. Ва катта эҳтимол билан, 20-30 йилдан кейин Бухоро Россия империясига қарши тура олади<sup>1</sup>, деб таъкидлайди.

“Таъруфи муслимин” журналида Истанбулда таҳсил олаётган Абдурауф Фитратнинг ҳам мақоласи босилган бўлиб, бу форс тилидаги “Бухоро вазири Насруллоҳбей Парвоначи афанди ҳазратларина очик мактуби” эди<sup>2</sup>. Мактуб Амир Олимхон Бухоро таҳтига ўтиргач, Насруллоҳ парвоначини бош вазир этиб тайинлаши муносабати билан ёзилган. Мактуб “Аниқдирки, ҳеч қайси миллат ҳеч бир замонда бизда бўлганидек юрти ҳароблик, ҳалқи фалокат, аёнлари пасткашилик, идора аҳли фасод, золимларнинг қон сўриши, ажнабийлар калакалари, истиқболининг мушкуллиги каби иплатларга мубтало бўлмаган! Бутун мамлакат ва миллатни шу аҳволга келтириб қўйдикки, дунёдаги энг қийин ва ташвиши кунларда яшаётган одамлар ҳам бизнинг аҳволимизга маъюс тортиб, қон ииғламоқдалар”<sup>3</sup>, деб бошланади. Абдурауф Фитрат Туркистон жамиятидаги муаммоларни танқид қилиб, янги вазирнинг ислоҳотлар ўтказишига умид қилиб: “Не монеъ борки, тартиботи жадидиа воситаси билан миллий саодатимизнинг янги истиқболли йўлларини очиб, қадримиз ва тақдиримизни аъло даражада шарафлай олмайсиз? Бир зоти комилнинг ҳаққи учун Ватанимиз ҳамдўст ва ҳамдин кишиларга тўла бўлса қанчалар савоб?! Бир миллатнинг ҳаёти учун қайгуриб, Аллоҳнинг фазлу қарамига сабаб бўлмоқдан қайси шуҳрат ортикроқдир? Раият орасида Сизга нисбатан ихлос ва муҳаббат бор, бу Яратганнинг қарамидирки, Сизни фавқулодда нуфуз соҳиби қилиб бошимизга юборди. Олий ҳазрат тождор падари бузрукворимиз, адолатпарвар подиоҳимиз бизни тарбият ва танзим этмак амрини сизга берган”<sup>4</sup>, деб жадидларни кўллаб-қувватлашга чақиради.

<sup>1</sup> Аҳмад Тожиддин. Бухоро талabalariла ҳасби ҳол // “Таъруфи муслимин” журнали. 1910. №15. 242 – 245-бетлар.

<sup>2</sup> Бухороли Абдурауф [Фитрат]. Бухоро вазири Насруллоҳ бей Парвоначи афанди ҳазратларига очик мактуби // “Таъруфи муслимин” журнали. 1910. №25. 10-бет. Ушбу мактуб 2003 йили Абдурауф Фитратнинг “Танланган асар”лари 3-жилдида чоп этилган: Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 2003. 226 – 228-бетлар.

<sup>3</sup> Бухороли Абдурауф [Фитрат]. Бухоро вазири Насруллоҳ бей Парвоначи афанди ҳазратларига очик мактуби // “Таъруфи муслимин” журнали. 1910. №25. 10-бет.

<sup>4</sup> Бухороли Абдурауф [Фитрат]. Бухоро вазири Насруллоҳ бей Парвоначи афанди ҳазратларига очик мактуби // “Таъруфи муслимин” журнали. 1910. №25. 10-бет.

## **Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)**

“Таъруфи муслимин” журналида Абурауф Фитратнинг “Ажабо, Бухоро хароб ахволда” мақоласи ҳам нашр қилинган бўлиб, унда Бухоро амирлигидаги мутаассиб уламоларнинг ҳар қандай янгиликка қарши чиқаётганлари, Туркистондаги таълим тизими умуман замон талабларига жавоб бермаслиги, миллатлар тараққий этишлари учун дунёвий билимларни ўқишлари зарурлигини ёзди. Бухоронинг янги ҳукмдоридан кўплаб ислоҳотлар амалга оширилишига умид билдиради<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср бошларида нашр этилган “Таъруфи муслимин” журнали саҳифаларида Бухоро амирлигидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, уларнинг ривожланиш босқичлари таҳлил қилиниб, минтақада Россиянинг мустамлакачилик сиёсати кенгайиб бораётганлигидан огоҳликка чақирилган. Туркистон ва бухороликларни ўз мустақилликларини сақлаб қолиш учун жадид-қадим, мазҳаб низоларига чек қўйишлари зарурлиги уқтирилган. Мамлакатда замонавий билим берадиган мактаб ва мадрасалар ташкил қилиш кераклигини таъкидлаб, турк тараққийпарварлари ҳамкорликка доим тайёр эканликлари қайд қилинган. Бухоролик тараққийпарвар уламолар Муфти Икром, Муфти Розикларнинг турк зиёлилари билан ўзаро алоқа олиб бораётгани эътироф этилган. Туркистон ва Бухоро ёшлари турк матбуотида билан мунтазам танишиб боришдан ташқари улар билан ёзишмалар олиб борганлар. Мактаб, матбуот ишларини ташкиллаштиришда ҳамкорлик қилганлар. Бу жараёнлар ўз натижасини берган ва Туркистон жамиятига замонавийлик кириб келишига хизмат қилган.

### **АШТАРХОНИЙЛАР ДАВРИДА БУХОРО ХОНЛИГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СОЛИҚ ТИЗИМИ**

**Музробjon Абдуллаев  
тарих фанлари доктори, АнДУ**

**Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори.  
Тел. +998.90. 258-98-92. E-mail: [muzrobjon@list.ru](mailto:muzrobjon@list.ru)**

**Расулбек Абдурасулов  
АнДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси  
таянч докторантни**

**Тел. +998.93. 690-08-58. E-mail: [rasulbek0505@mail.ru](mailto:rasulbek0505@mail.ru)**

Аштархонийлар сулоласи (1601-1756)нинг Бухоро хонлигидаги ҳокимияти феодал-қабила бошликлари ва зодагонларга қарам бўлиб, амалда улар мамлакатни бошқарадилар. Мамлакатни ҳароб ахволга келтирган ўзаро урушлар, Нодир Муҳаммад (1642-1645) ҳукмронлик қилган даврда ўзаро низо-урушларнинг авж олиши, шунингдек, ташки душманларга қарши олиб борилган самарасиз курашлар Бухоро хонлари ҳокимиятини батамом путурдан кетказди. Мамлакатда сиёсий бошбошдоқлик, тарқоқлик XVIII асрга келиб янада кучайди. Бу даврга келганда хон ўзбек қабилаларининг амирлари кўлида қўғирчоқ бўлиб қолди.

Аштархонийлар даврида Бухоро хонлиги ҳудуди кескин қисқариб кетди. XVII аср бошларига тегишли манбаларда хонликка бўйсунувчи олтита вилоят – Бухоро, Самарқанд, Сагараж, Ўратепа, Шаҳрисабз ва Ғузор тилга олинади, холос. Кейинчалик Имомқулихон томонидан Ҳисор, Тошкент, Туркистон, Фарғона, Балх вилоятлари қайта бўйсундирилган бўлса-да, Хуросондаги бир неча йирик вилоятлар (Ҳирот ва бошқа ҳудудлар) ва Хоразм Бухоро хонлиги таркибидан бутунлай чиқиб кетди.

<sup>1</sup> Бухороли Абдурауф [Фитрат]. Ажабо Бухоро хароб ахволда // “Таъруфи муслимин” журнали. 1911. №50. 8-бет; Бухороли Абдурауф [Фитрат]. Ажабо Бухоро хароб ахволда // “Таъруфи муслимин” журнали. 1911. №51. 7-бет.

## **Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)**

|  |    |
|--|----|
| Kamolov Ixtiyor Nigmatullayevich. BUXOROLIK TAKINAXOTUN VA UNING SOHIBQIRON O`GLI.....   | 80 |
| Olimova Iroda. BUXORO BUNYODKORLIGIDA MIRZO ULUG`BEKNING AMALGA OSHIRGAN SAY-HARAKATLARIDAN TARIXIY LAVHALAR. ....                                 | 81 |
| Usmonaliyeva Madina Komiljon qizi, Normatov Otabek Maxamatjonovich. BUXORODAGI MIRZO ULUG`BEK DAVRIGA OID TANHO INSHOOT – “ULUG`BEK MADRASASI” ... | 84 |
| Islomova Gulchiroj Muzaffar qizi, Utayeva F.X. AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRIDA TIJORAT VA SAVDO MARKAZLARIGA E`TIBOR.....                         | 87 |
| Avliyakulova Nafisa Muzafarovna. BUXORO – XALQARO SAYYOCHILAR MARKAZI  | 88 |

## **2-ШЎЙБА. БУХОРОНИНГ ХОНЛИКЛАР (АМИРЛИК) ДАВРИ (ШАЙБОНИЙЛАР, АШТАРХОНИЙЛАР ВА МАНФИТЛАР) ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ (АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОГРАФИЯ, ШАҲАРСОЗЛИК, ИЛМ- ФАН, САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ) .....92**

|   |     |
|---|-----|
| FaффоровШ.С. БУХОРОХОНЛИГИННИНГАНТОНИЖЕНКИНСОНЭСТАЛИКЛАРИДАГИ ТАВСИФИ .....   | 92  |
| Шодмон Вохидов, Гулпари Шарифова. (НА ОСНОВЕ КАТАЛОГА БИБЛИОТЕКИСАДРИ ЗИЯ).....   | 96  |
| Абдукаримов Жамолиддин Аҳмадалиевич. Мирзо Абдулазим Сомий Бўстонийнинг “Тўхфаи шохий” асарига оид янги тадқиқот .....                      | 100 |
| Дилноза Жамолова,Шаропов Дишшод Равшан ўғли. “ТАҶРУФИ МУСЛИМИН” ЖУРНАЛИ: БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ҲАҚИДА .....          | 103 |
| Музробжон Абдуллаев, Расулбек Абдурасулов. АШТАРХОНИЙЛАР ДАВРИДА БУХОРО ХОНЛИГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СОЛИҚ ТИЗИМИ.....                         | 107 |
| Замонов. АБДУЛЛАХОН II ШАХСИЯТИГА НАЗАР .....   | 110 |
| J.J.Majidov, H.Bobomurodova. SHAYBONIYLAR DAVRIDA BUXORO ME'MORCHILIGI .....  | 114 |
| Baqoyev Umidjon Shuhrat o‘g‘li. ASHTARXONIY UBAYDULLAXON II DAVRIDA BOBURIYLAR IMPERIYASI BILAN DIPLOMATIK ALOQALAR .....                   | 115 |
| Nargiza Isomiddinova Xusniddin qizi, Feruza Bobojonova Xayatovna. BUXORO XONLIGI TA’LIM TIZIMI.....   | 117 |
| Гулирухсор Темирова. МИР МУҲАММАД АМИН БУХОРИЙ ВА УНИНГ “УБАЙДУЛЛАНОМА”.....  | 119 |
| Norova Zilola Raxmatullo qizi, Utayeva F.X. BUXORO VA XIVA XONLIKlarINING TASHQI SAVDO ALOQALARI .....                                      | 121 |
| Olimova Dilsora, Bobojonova Feruza. BUXORO AMIRLARINING KUNDALIK DINIY AHKOMLARI.....   | 122 |
| Dusaliyev Muysin Tura o‘g‘li. XIX ASRNING BIRINCHI YARMIDA QO‘QON-BUXORO MUNOSABATLARI .....  | 126 |
| Berdiyev Jamshid Panjiyevich. XIX ASR OXIRI XX ASR BOSHLARIDA QASHQADARYO VOHASI HUNARMANDCHILIGI HAQIDA BA’ZI MULOHAZALAR .....            | 129 |
| Ҳусен Ҳайруллоевич ДЖУРАЕВ. БУХОРО САРОЙ ВА МАДРАСАЛАРИ, КУТУБХОНАЛАРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТГАН МИРЗА, МУНШИЙ, ХАТТОТЛАР ВА КОТИБЛАР ТАРИХИ..... | 132 |
| Соҳиба ҚОДИРОВА. БУХОРОДА МУСИҚА САНЪАТИ РИВОЖИНИНГ МИЛЛИЙ-ЭТНИК ХУСУСИЯТЛАРИ .....   | 135 |
| Ismailov G‘afurjon Xasanovich. ISTANBULDAGI BUXORO TEKKESI – O‘TMISH VA BUGUN .....   | 138 |
| Normatov Otabek Maxamatjonovich. BUXORODAGI SAVDO-SOTIQ MUNOSABATLARI TARIXIDAN .....   | 143 |
| Hamroyev Asliddin Umed o‘g‘li. AMIR HAYDAR MAKTUBLARIDA IQTISODIY MASALALARINING YORITILISHI .....  | 144 |